

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

„18“ ИЮЛЬ 2018 й. г. № 553

Тошкент ш. – г. Ташкент

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 12 апрелдаги ПҚ-3665-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414-сон Фармонига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 12 апрелдаги ПҚ-3665-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С. Отажонов, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 18 июлдаги
553-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида” 1997 йил 30 июлдаги 374-сон қарорида:

а) 2-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 4-иловада:

тўртинчи банднинг тўртинчи хатбошидаги “божхона комплекслари ва” сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги 11¹–11³- бандлар қўшилсин:

“11¹. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси қуйидагилар учун шахсан жавоб беради:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

божхона органларига юксак касб кўникмаси ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган ҳар томонлама камол топган ва ватанпарвар ёшларни жалб этишга қаратилган кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг принципиал жиҳатдан янги тизимини яратиш;

ходимларнинг хизматга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш, қонунийлик бузилишининг барча кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, жамоада соғлом муҳитни шакллантириш;

хизматни фидокорона ўтаётган кадрларни ҳар томонлама рағбатлантириш, хизмат интизомини, қонун ҳужжатлари талабларини қўпол равишда бузган ходимларни интизомий ҳамда бошқа турдаги жавобгарликка тортиш;

Олий ҳарбий божхона институти фаолиятини самарали ташкил этиш;

божхона хизмати органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, аҳоли, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари билан бевосита, мақсадли мулоқот ўрнатиш, шунингдек, фуқароларни шахсан қабул қилиш.

11². Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари қуйидагилар учун шахсан жавоб беради:

божхона ишини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, божхона ҳақидаги қонунларни ва ҳуқуқни кўллаш амалиётини такомиллаштириш, божхона соҳасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаблари ва шарт-шароитларини таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш;

давлат хизматлари кўрсатиш, маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш орқали божхона органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан бевосита алоқасиз мулоқот қилиш шаклларини жорий этиш;

хавф-хатарни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини, ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳалол иштирокчиларига нисбатан муносабатда бўлишнинг соддалаштирилган божхона тартиботларини қўллаш тартибини жорий этиш, ва уларнинг самарали ишлаши;

божхона назоратининг замонавий шакллари, усуллари ва техник воситаларини жорий этиш ҳисобига товарларнинг ноқонуний импортини, божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш схемаларини аниқлаш;

11³. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосарлари куйидагилар учун шахсан жавоб берадилар:

ташқи савдо операциялари мониторингини олиб бориш, экспорт-импорт шартномалари ижросини таҳлил қилиш, товарлар экспорти прогнозларини бажариш, ташқи савдо операцияларини амалга оширишда валюта ҳақидаги қонунларга риоя қилиш;

божхона статистикасини шакллантириш ва унинг ишончлилиги, Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдосини ҳамда мамлакатнинг асосий савдо шериклари бўлган давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳақида таҳлилий материаллар тайёрлаш;

статистика маълумотларининг ишончлилигини таъминлаш мақсадида хорижий мамлакатларнинг божхона хизматлари билан ахборот алмашиш, ташқи савдо соҳасида ҳуқуқбузарликлар белгиларини аниқлаш;

ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатураси бўйича товарлар таснифи тўғрилигини баҳолашни назарда тутувчи божхона постлари фаолияти устидан амалий назорат қилиш тизимини ишлаб чиқиш, уларнинг божхона қийматини аниқлаш, божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундириш, шунингдек, кўрсатиб ўтилган масалаларда методологик ёрдам бериш;

контрабандага ва божхона ҳақидаги қонунлар бузилишига қарши курашишнинг ҳолати ва самарадорлиги, товарларни ноқонуний олиб кириш механизмларини аниқлаш ва таҳлил қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигининг амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш;

хорижий мамлакатлар божхона органлари ва халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни ташкил этиш, божхона иши соҳасидаги илғор тажрибани тизимли ўрганиш ва жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Миллий кинология марказининг самарали фаолиятини ташкил этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини пухта, ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона кўриб чиқиш, фуқароларни шахсан қабул қилиш;

божхона органларининг бино ва иншоотларини жорий ва мукамал таъмирлаш, ходимларни компьютер ва техника, алоқа ва божхона назорати воситалари билан таъминлаш, юкланган вазифаларни самарали бажариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш.

14-банднинг олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“зарурат бўлганда давлат божхона хизмати органлари тузилмасига белгиланган умумий штат бирликлари доирасида ўзгартиришлар киритиш”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 ноябрдаги 523-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 124-модда) билан тасдиқланган Божхона омбори фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“8. Божхона омбори фаолиятини амалга оширишга лицензия (кейинги ўринларда лицензия деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан (кейинги ўринларда лицензияловчи орган деб аталади) омбор ҳудуди, шунингдек, божхона омбори сифатида фойдаланиш мўлжалланаётган омбор ва қўшимча хоналар эгалигида бўлган Ўзбекистон Республикаси юридик шахсига эгаси, божхона омбори ҳудуди ва хонаси ушбу Низом талаблари ва шартларига мувофиқ бўлиши шарти билан берилади”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Судьяларга, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ходимлари, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ҳамда давлат солиқ хизмати органи ходимларига имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда судьяларга, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ходимлари, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ҳамда давлат солиқ хизмати органлари ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2012 йил 31 октябрдаги 312-сон қароридан (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 10-сон, 78-модда):

а) қарорнинг номланишидаги “департаменти ҳамда давлат солиқ хизмати органлари ходимларига” сўзлари “департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилардаги “департаменти ҳамда давлат солиқ хизмати органлари” сўзлари “департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-иловада:

илованинг номланишидаги “департаменти ҳамда давлат солиқ хизмати органлари” сўзлари “департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-бандда:

“Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 10 августдаги ПФ-5147-сон” ва “(кейинги ўринларда прокуратура органлари ходимлари деб аталади) ва давлат солиқ хизмати” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 10 августдаги ПФ-5147-сон, “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 апрелдаги 5414-сон” ва “(кейинги ўринларда прокуратура органлари деб аталади) ва давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Ушбу Низомнинг амал қилиши судьяларга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяларига (кейинги ўринларда судьялар деб аталади), Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ходимларига, прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига татбиқ этилади»;

2-банддаги “прокуратура ва давлат солиқ хизмати органлари” сўзлари “прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банддаги “прокуратура ва давлат солиқ хизмати органлари” сўзлари “прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банддаги “прокуратура ва давлат солиқ хизмати органлари” сўзлари “прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

10-бандда:

биринчи хатбошидаги “прокуратура ҳамда давлат солиқ хизмати органлари” сўзлари “прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “прокуратура ва давлат солиқ хизмати органлари ходимининг” сўзлари “прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимининг” сўзлари билан, “кейинги ўринларда судьянинг, прокуратура ва давлат солиқ хизмати органлари ходимининг” сўзлари “кейинги ўринларда судьянинг, прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги II² боб қўшилсин:

“II² боб. Давлат божхона хизмати органлари ходимларининг дастлабки бадални олиши, уни бериш ва қайтариш тартиби

19⁹. Дастлабки бадал давлат божхона хизмати органлари ходимининг ҳисоб рақамига Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган

харажатлар махсус жамғармаси (кейинги ўринларда Махсус жамғарма деб аталади) маблағлари ҳисобига киритилиши мумкин.

19¹⁰. Давлат божхона хизмати органлари ходимларига дастлабки бадални тўлаш учун Махсус жамғармадан маблағ ажратиш мақсадида иш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланадиган Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармаларида, “Тошкент-АЭРО” ихтисослантирилган божхона комплекси, Олий ҳарбий божхона институти, Миллий кинология марказида тегишли комиссия (кейинги ўринларда ҳудудий комиссиялар деб аталади) ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси комиссияси (кейинги ўринларда ДБҚ комиссияси деб аталади) ташкил этилади.

19¹¹. Махсус жамғарма маблағлари ҳисобига дастлабки бадални ўтказиш учун давлат божхона хизмати органлари ходими иш жойи бўйича ҳудудий комиссияларга, Давлат божхона қўмитаси марказий аппарати ходими эса ДБҚ комиссиясига қарз бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилади.

Давлат божхона хизмати органлари ходими қарз бериш тўғрисидаги ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

давлат божхона хизмати органлари ходимининг ва у билан бирга яшайдиган оила аъзоларининг даромадлари тўғрисида охириги 12 ой учун доимий иш жойидан берилган маълумотномалар ёки давлат божхона хизмати органлари ходимининг ва унинг оила аъзоларининг охириги 12 ой учун даромадлари тўғрисидаги декларацияларнинг уларнинг яшаш жойидаги давлат солиқ органи томонидан тасдиқланган нусхалари;

давлат божхона хизмати органлари ходимининг оиласи таркиби тўғрисида яшаш жойидан берилган маълумотнома ва унинг паспорти нусхаси;

давлат божхона хизмати органлари ходимини тайинлаш тўғрисидаги тегишли буйруқнинг нусхаси.

19¹². Ариза ва ушбу Низомнинг 19¹¹-бандида кўрсатилган барча ҳужжатлар олингандан кейин ҳудудий комиссия ўн кун муддатда тақдим этилган ҳужжатларни ўрганади ва уларда кўрсатилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини текширади.

Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда ҳудудий комиссия икки кун муддатда ушбу қарорни (зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда) ДБҚ комиссиясига юборади.

Маблағ ажратишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда ҳудудий комиссия бир кун муддатда давлат божхона хизмати органлари ходимини рад этиш сабаблари аниқ кўрсатилган ҳолда ёзма равишда хабардор қилади.

19¹³. ДБҚ комиссияси бир ҳафта муддатда ДБҚ марказий аппарати ходимининг аризасини ва ҳудудий комиссия қарорини ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқади ва кўриб чиқиш натижалари юзасидан икки нусхада баённома тузади. Баённоманинг ҳар икки нусхаси ДБҚ комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

Маблағ ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ДБҚ комиссияси икки кун муддатда баённоманинг бир нусхасини Давлат божхона қўмитаси Ҳайъати (кейинги ўринларда ДБҚ Ҳайъати деб аталади) қарори лойиҳасини тайёрлаш учун Давлат божхона қўмитаси раисига киритади.

Маблағ ажратишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда ДБК комиссияси уч кун муддатда ДБК марказий аппарати ходими ва ҳудудий комиссияни рад этиш сабаблари аниқ кўрсатилган ҳолда ёзма равишда хабардор қилинади.

Ҳудудий комиссия бир кун муддатда давлат божхона хизмати органи ходимини рад этишнинг аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабардор қилади.

Қуйидагилар рад этиш сабаблари ҳисобланади:

зарур тарзда расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тақдим этилиши;

ҳужжатларда ишончсиз ёки нотўғри маълумотлар мавжудлиги;

Махсус жамғарма маблағлари етишмаслиги.

19¹⁴. ДБК Ҳайъати қарори тасдиқлангандан кейин икки кун муддатда ДБК комиссияси бу ҳақда ҳудудий комиссияни ёзма равишда хабардор қилади ва давлат божхона хизмати органлари ходими билан қарз шартномасини тузади.

Қарз гаров таъминоти ёки кафиллик ҳужжати тақдим этилган ҳолда фоизсиз ва қайтариш асосида берилади. Қарзни қайтариш муддати ўн йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

19¹⁵. Дастлабки бадални тўлаш давлат божхона хизмати органлари ходими хизмат кўрсатувчи тижорат банки билан кредит шартномаси тузгандан кейин ходимнинг тижорат банкида очилган махсус депозит ҳисоб рақамига пул ўтказиш орқали амалга оширилади..

Дастлабки бадал учун ажратиладиган сумма яқка тартибдаги уй-жой ёки кўп квартирали уйдаги квартира қийматининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

19¹⁶. Божхона органлари ходими томонидан қарзни қайтариш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, гонорарлар, дивидендлар, фоизлар ва бошқа даромадлар, шу жумладан, қимматли қогозлар бўйича олинadиган даромадлар ҳисобига нақд пулсиз маблағ ўтказиш;

нақд пул топшириш;

давлат божхона хизмати органлари ходимларининг тижорат банкларидаги омонатлари бўйича ҳисоб рақамларидан нақд пулсиз маблағ ўтказиш.

Бунда қарз бўйича қарз маблағлари қарз шартномасига илова қилинган жадвалга мувофиқ тўланади.

Давлат божхона хизмати органлари ходимлари қарзни қарз шартномасида белгиланган муддатдан олдин қайтариш ҳуқуқига эга”;

20-банднинг биринчи-бешинчи хатбошиларидаги “прокуратура ва давлат солиқ хизмати органлари” сўзлари тегишли сон ва келишиқда “прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари” сўзлари билан алмаштирилсин

21-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“21. Судья, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ходимлари, прокуратура, давлат солиқ хизмати ҳамда давлат божхона хизмати органлари ходимлари ипотека кредити олиш учун тижорат банкига мурожаат қилгандан кейин тижорат банки

уларни ипотека кредити олиш жараёнидаги тахминий харажатлар турлари билан таништиради. Судья, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ходимлари, прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимлари ипотека кредити олишда қуйидаги харажатларни амалга оширишлари керак”;

23-банддаги “прокуратура ва давлат солиқ хизмати органлари” сўзлари тегишли сон ва келишиқда “прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

26-банднинг иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги “прокуратура ва давлат солиқ хизмати органлари” сўзлари тегишли сон ва келишиқда “прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

27, 29 ва 30-бандлардаги “прокуратура ва давлат солиқ хизмати органлари” сўзлари тегишли сон ва келишиқда “прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

28-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“28. Якка тартибдаги уй-жойни ёки кўп квартирали уйдаги квартирани сотиб олиш учун ипотека кредити бериш тижорат банки томонидан судья, прокуратура, давлат солиқ хизмати органлари ва давлат божхона хизмати органлари ходимлари номига алоҳида ссуда ҳисоб рақами очиш ҳамда ушбу ҳисоб рақамидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган якка тартибдаги уй-жой ёки кўп квартирали уйдаги квартирининг олди-сотди шартномаси нусхаси илова қилинган ҳолда судьянинг, прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларининг ёзма топшириқномаси асосида, сотувчининг (мулкдорнинг) омонат ҳисоб рақамига пул маблағларини нақд пулсиз шаклда мемориал ордер воситасида ўтказиш йўли билан амалга оширилади”.

31-банддаги “судья ва давлат солиқ хизмати органлари ходими” сўзлари “судья, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

32-банддаги “судья ва давлат солиқ хизмати органлари” сўзлари “прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-иловада

илованинг номланишидаги “департаменти ва давлат солиқ хизмати органлари” сўзлари “департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

1-бандда:

“Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 10 августдаги ПФ-5147-сон” ва “(кейинги ўринларда прокуратура органлари ходимлари деб аталади) ҳамда давлат солиқ хизмати органлари” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 10 августдаги ПФ-5147-сон”, “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414-сон” ва “(кейинги ўринларда прокуратура органлари

ходимлари деб аталади) ва давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига” сўзлари билан алмаштирилсин”

иккинчи хатбошидаги “прокуратура органлари” сўзлари “прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банднинг биринчи ва бешинчи хатбошиларидаги “прокуратура ва давлат солиқ хизмати органлари” сўзлари тегишли сон ва келишиқда “прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банд куйидаги тахрирда баён қилинсин:

“3. Судьяга, прокуратура, давлат солиқ хизмати органлари ва давлат божхона хизмати органлари ходимиға пул компенсацияси тўлаш судья, прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходими тайинланган жойга келгандан (сайлангандан) кейин уй-жой ижараға олинган (ижарада турган) кундан бошлаб белгиланган тартибда расмийлаштирилган уй-жойни ижараға олиш (ижарада туриш) шартномаси асосида амалға оширилади. Судьяга, прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимиға тайинланган (сайланган) жойида хизмат уй-жой майдони берилган тақдирда ёки у уй-жой сотиб олганда, унинг ваколатлари тўхтатилганда ва тугаганда пул компенсацияси тўлаш тўхтатилади”;

4-банд куйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Давлат божхона хизмати органлари ходимиға хизмат уй-жойи берилганда ёки у тайинланган жойида уй-жой сотиб олганда у бир ҳафта муддатда тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси, Давлат божхона кўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўйича бошқармалари, “Тошкент-АЭРО” ихтисослаштирилган божхона комплекси, Олий ҳарбий божхона институти, Миллий кинолоғия маркази (кейинги ўринларда тегишли органлар деб аталади) бухгалтериясига пул компенсацияси тўлашни тўхтатиш тўғрисида ариза бериши шарт”;

5-банддаги “прокуратура ва давлат солиқ хизмати органлари” сўзлари тегишли сон ва келишиқда “прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банд куйидаги тахрирда баён қилинсин:

“6. Судья, суд органлари ходими ва прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимлари пул компенсациясини олиш учун вақтинча яшаш жойини ва уй-жойни ижараға олганлик (ижарада турганлик) учун коммунал хизматлар қийматисиз амалдаги харажатлар суммасини кўрсатган ҳолда тегишли орган раҳбарига ариза беради”.

Пул компенсацияси тўлаш тўғрисидаги аризаға куйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

судьяни тайинлаш (сайлаш) тўғрисидаги қарорнинг нусхаси, суд органлари ходимини, прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимини лавозимға тайинлаш тўғрисидаги буйруқнинг нусхаси;

никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

қонун ҳужжатларига мувофиқ оила аъзолари деб эътироф этилган бошқа шахслар ҳужжатларининг нусхаси;

уй-жойни ижарага олиш (ижарада туриш) шартномасининг нусхаси.

Тегишли орган тақдим этилган ҳужжатлар асосида уй-жойни ижарага олиш (ижарада туриш) учун компенсация миқдорини кўрсатган ҳолда пул компенсацияси тайинлаш тўғрисида буйруқ чиқаради.

Тегишли органлар шахслар ижарага олинган уй-жойда яшашларини ва уларнинг яшаш жойлари ўзгаришини доимий назорат қиладилар.

7-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Суд органлари ходими ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ходими, прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходими бола икки ёшга тўлгунгача уни парвариш қилиш учун таътил берилган тақдирда, пул компенсацияси таътилнинг бутун даврига, бироқ суд органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ходими, прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходими ушбу уй-жойда яшаш шarti билан берилади”;

8-банддаги “прокуратура ва давлат солиқ хизмати органлари” сўзлари “прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банддаги “прокуратура ва давлат солиқ хизмати органлари” сўзлари “прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банддаги “прокуратура ва давлат солиқ хизмати органлари” сўзлари “прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банднинг биринчи хатбошидаги “прокуратура ва давлат солиқ хизмати органлари” сўзлари “прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари” сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 18 июлдаги
553-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг интизомий уставини тасдиқлаш тўғрисида” 1998 йил 27 мартдаги 135-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташилаётган товарларни божхона томонидан назорат қилишни кучайтириш тўғрисида” 2004 йил 20 майдаги 239-сон қарорининг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 5-сон, 49-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий автомобилда юк ташувчилар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 28 ноябрдаги 245-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 11-сон, 91-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2007 йил 28 сентябрдаги 205-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 9-сон, 56-модда) илованинг 2-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 1-сон, 79-модда) 1-илованинг 85-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 55-модда) 1-илованинг 46, 49-55-бандлари.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Дарбанд” йўл-патруль хизмати постига ёндош ҳудудда божхона пунктини ташкил этиш тўғрисида” 2016 йил 9 июндаги 193-сон қарори.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Божхона брокери сифатидаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсат бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 25 июлдаги 239-сон қарори.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “2018-2020 йиллар даврида фақат Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини босқичма-босқич жорий этиш жадвалини тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 25 апрелдаги 239-сон қарорига илованинг 1, 2, 17, 18, 25, 30, 32-бандлари.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 январдаги 14-ф-сон фармойиши.